

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ.
№ 51 (4298).
13
МАРТ
ЖУМА
1970 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин

ЛЕНИН КУНИ

1970 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ! Батариёт офтоби, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосини улуг Ленин туғилганига 100 йил тўлаётган кун!

Жаҳон миқёсида кенг нишонланадиган ана шу буюк юбилейга ҳозир барча совет халқи, курамадаги таркиқийпарвар инсоният қизғин тарафдор бўлиб келди. Бу юбилейнинг умумхалқ байрами, шодонасига айланб бораётганига сабаб нима?

Ҳар йили баҳорда совет кишилари, ер юзидан мазлумлар Владимир Ильич Ленин туғилган кунни нишонлайдилар. Бироқ, бу йилги 22 апрель кунини алоҳида байрам қилишди, негаки бу кун — дохилининг юз йиллик катта тўйидир.

Бундан бир аср муқаддам она-Волга бўйидаги Симбирск шаҳрида бир инсон туғилди, ушундан бугун тарих тараққиёти унинг номи билан абалйи боғлиқ бўлиб қолди. Ленин бутун умрини инсонлар бахтсодати йўлига бахшида этди, жаҳондаги пролетариатни эски дунё тузумига қарши курашга сафарбар қилди. Улуг Октябрь зафарини, дунёда биринчи коммунистик давлат қўлаганини таъминлади.

Бутун умри мислсиз жасоратдан иборат бўлган Лениннинг инсоният олдидаги буюк хизматларига КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида қўйилганча баҳо берилган:

«ПРОЛЕТАР СИНОНИ КУРАШНИНГ ТЕНГИ ИҲҚ СТРАТЕГИ ВА ТАКТИГИ БУЛГАН ЛЕНИН МАХНАТКАШЛАР БИЛАН ЖУДА ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН ЭДИ. УЛАРНИНГ ТУБ МАНОФААТЛАРИГА АСОСЛАНИБ ИШ ТУТАР ЭДИ. ХАЛҚ ХАЙТИНИНГ ТОМИР УРИШНИ ДОИМО СЕЗИБ ТУРАР ЭДИ...»

Лениннинг, унинг барҳайт юзларининг жаҳон халқлари тараққиётига қўзғатган ҳаётбахш таъсир кучи беқиёс. XX асрнинг ҳаракатли белини бўлиши икки дунё: янги туғилган, ўсиб, воғга етиб бораётган социализм дунёси билан умрини яшаб қўйган, инқирозга юз тутаётган империалистик дунё ўртасидаги кескин курашда кучлар нисбатини коммунистик система фойдасига ҳал бўлаётган экан, бунда Лениннинг таълимотикини эр ялғомбахш кучи тарихий роль ўйнамоқда. Лениннинг ҳозирги кунда капитал зулми ва истисбодга қарши курашда миллион-миллион мазлумларнинг зафар байроғи бўлиб қолди.

Ҳа, шундай, Ленин ҳаммиса биз билан, у ҳалибона курашмишда, ғалабаларимизда, яратувчилик меҳнатимизда яшаб келмоқда. Ильич нафаси бутун беш йилликнинг гүлгун қурилишларида, домна лезвирининг қўли янги оғаш ҳароратда, сарфосил далавларини фойзу жисмоида, сайёралар сари мислсиз парвозларимизда — ҳар жаҳода кезиб юрибди. Шу бондан дохил юбилейни совет халқларининг, курамадаги бутун инсониятнинг эр шодонасига, буюк байрами сифатида кенг нишонланади.

Юбилейга саноқли кунлар қолди. Ҳар тоғ календардан бир парақ йирталади, бу билан юбилейга яна бир кун яқинлашамиз. Ўша кунни барча орзиқиб кутмоқда.

1970 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ — чоршанба, жаҳон календаридан олдиди иш кунларининг бири. Бироқ, бу кун инқирозга қўзғатув, улуг сана инқилибининг совет кишилари жуда яхши биланлади, чунки Владимир Ильич Лениннинг таъсирини номи ҳамма халқлар учун инқирозга азия ва қадрият бўлиб кетган.

ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК

ШУ кунларда областимизнинг ҳамма қолхоз ва совхозларида қўламлиқ экин кампаниясига ушшоқлик билан тайёргарлик олиб боришмоқда. Шу жумладан Янгийўл районидан Свердлов номи қолхозда ҳам бу ишлар ҳар томонлама яхши ташкил этилган. Қолхоздаги мавжуд машина ва механизмларнинг деярлик ҳаммаси мавсумга шайлаб қўйилди. Суратда: қолхоз бош инжениери ўртоқ Махмуд Сайдумаров тайёр машиналарни қўздан кечиряпти.

А. Тўраев фотоси.



ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЯНАДА ҚўПАЙТИРИШ УЧУН

ОБЛАСТЪ ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДАН

Кеча хабар қилганимиздек 11 мартда областъ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари областъ ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхонинг ўтган йилги натижалар ва партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг қолдаги вазифалари ҳамда қолхоз ва совхозларда пахта, галла, напон, сабзавот ва бошқа деҳқончилик экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини қўпайтириш юзасидан 1970 йил юбилей йилидаги вазифалари ҳақида доклад қилди.

Пойтахт областининг меҳнаткашлари, — деди докладчи, — партиямиз XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети март (1965), май (1966), октябрь (1968) йил. Пленумлари қарорларини амалга оширабориб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатини кучайтириш соҳасида бирмунча ишлар қилдилар. Областъ меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун коммунистик мусобақа асосида меҳнат қилиб, об-ҳаво шароити инқирозда оғир келган ўтган йилда давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни қўпайтиришда бирмунча натижаларга эришилди.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида давлатга 1 миллион 346 минг тонна пахта топирилди. Бу мўлжалгадиган 58 минг тонна қўл демалди. Оққўрғон, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Бўна, Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе районлари беш йилликнинг тўрт йили топириқларини ошириб адо этдилар.

Шунингдек қишлоқ хўжалиги-

нинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Напон, галла, шол, сабзавот, картошка, гўшт, сут, тукум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бирмунча қўпайди.

Областъ қолхоз ва совхозлари тўрт йил давомида давлатдан 791 минг тоннадан қўпоқ минерал ўғит, 5,7 минг дона ҳайдов ва чопиқ трактори, 1903 та пахта териш машинаси, қўлаб қўрак териш, тукиланган пахтани тарадиган ва қўрак чувиш машиналари, шунингдек прицеп ва тракторлар, селанка ҳамда культиваторлар олдилар. Ана шу гамхўрликка жавобан қолхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси бирмунча ошди. 1965 йилга нисбатан 35 процент ўсишга эришилди.

Докладчи яна шуларни қайд қилди: 1968 ва 1969 йилларда давлатга пахта, пилла сотиш планлари бажарилмай қолди. 1969 йилда давлатга сут етказиб бериш юзасидан белгиланган топириқ бажарилмади.

1969 йилда 105 пахтачилик қолхоз ва совхозларидан 43 та сиз пахта тайёрлаш планларини бажармадилар. Натигада областъ давлатга 20 минг тоннага яқин пахтани кам берди.

Областдаги 32 қолхоз ва совхоз гектаридан 20 центнердан кам ҳосил топириди. 7 хўжалик эса ҳосилдорлигини 15 центнерга ҳам етказма олмади. 1967 йилда областъ бўйича ҳар гектар ердан 26,4 центнердан ҳосил йиғиб олинган бўлса, 1969 йилда бу рақам 22,3 центнерга тушиб қолди. Ваҳоланки, планни бажариш учун

барча имконият мавжуд эди. Бунинг асосини Оққўрғон, Оржоникидзе районлари хўжаликлари мисолида ҳам ёқин кўриш мумкин. Бу районлар ҳар гектар ердан 25—28 центнердан пахта йиғиб олиб, йиллик планларини муваффақиятли бажардилар.

Уста механизаторлар ва тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилган бригада, эвенатор ўтган йили пахтадан қўл ҳосил етиштириб бошқаларга намуна бўлилар.

Пахтанинг ўз вақтида пишиб етилишига эришган хўжаликларда дефолитация белгиланган муддатга сифатли ўтказилди ва пахта териш машиналари яхши ишлатилди. Шундай хўжаликлар йиллик планларини биринчилар қаторида бажардилар, давлатга ҳосилнинг кўп қисmini юқори сортларга сотдилар ва даромадларининг ошшига эришилди. Областъ бўйича 111 минг 200 тонна пахта машинада териб олинди. Шундан 42 минг 400 тоннаси Оққўрғон район механизаторларининг улушидир.

Докладчи кенгаш қатнашчиларининг эътиборини агротехника қондаларига тўла эътибор қилишга, экинлар парваришини юқори сифатли ўтказишга, ҳар бир парвариш муддатини белгиланган вақтларда бажариш зарурлигига қаратади.

Алмашлаб экинни жорий этиш ва бунга тўла амал қилиш эндиликда энг муҳим вазифалардан биридир. Областъ пахтакорлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVII пленуми таъкидлаганидек, вилоят қарши курашни қўчатириб, ҳосилдорлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

1970 йилда ҳозиргача бошқа экинлар экиб келган 17,5 минг гектар ерга чигит экилади. Вилт билан кучли зарарланган 19,5 минг гектар ердан эса бошқа экинлар экишга фойдаланилади.

Бу муҳим тадбирларни амалга ошириш учун барча қолхоз ва совхозларда яқин кунлар ичида алмашлаб экин схемаларини муҳокама қилиш, уларни амалга ошириш тадбирларини белгилаш, бунда қайси ерга қайси экин экилиш зарурлигини аниқлаб олиш керак. Ана шундай тадбирни чоралар қўйилаётганда пахта, беда, маккажўхори ва бошқа экинларни жойлаштириш аниқлаб олиш зарур. Ваҳоланки, вақт эиқ қолаётганига қарамай, бу талаб қониқарсиз бажарилмоқда. Бу йил областъ бўйича 1300 гектар ерга беда экин планлаштирилган эди. Ҳозиргача 400 гектарга беда экилади, холос.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлардан, айниқса, гербицид ва бошқа химиявий моддалардан илмий асосларда, ишнинг кўзини билиб фойдаланиш тоғ катта роль ўйнайди. Кейинги тўрт йил давомида областъ хўжаликларида минерал ўғит бериш 46 минг тонна, фосфор ўғитлари эса 22 минг тоннага қўпайди. Кейинги вақтда гербициднинг хўжаликлар қўлаб олмоқдалар. Областдаги қўпгина хўжаликлар ер планлари картаси билан тўла таъминланганлар.

Давомин иккинчи бетда).

«Тошкент ҳақиқати» газетхонларига

1970 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ—ДОХИИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ ТўЛАЙДИГАН ТАРИХИЙ САНА. СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ, КУРАМИЗДАГИ БАРЧА СОҒ НИЯТЛИ КИШИЛАР БУ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ҲОЗИРЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР.

лей кунининг ёнидада қоладиган фазилати нимадан иборат бўлди?

Биз сизларга—азиз газетхонлар, шаҳар, район газетларидан ҳамкасблар, ишчи ва қишлоқ муҳбирлари—ҳаммага мурожаат қилиб, областимизда Ленин кунини қандай ўтказишни кенг ва атофлича ериштида ёрдам беришингизни сўраймиз.

Бизга 22 ва 23 апрель кунлари ўз очерк ва ҳикояларини, корреспонденция ва хабарларини, муҳим воқеаларни ақс эттирган суратлар ва чизмалар расмларини юборинг. Бу материаллар «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус сонини чиқариш учун асос бўлади.

Уш телеграммаларини, хатларини ва олган суратларини «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясига «Ленин кунини белгис остида юбонингизни илтимос қиламиз».

«Известия» газетаси 1970 йилнинг 28 феврал соҳида ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб, 22 апрель кунини ер юзидан бўладиган катта ва кичик воқеаларни атофлича ва рангбаранг ериштида ёрдам беришларини сўради.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳам ана шу ташаббусга қўшилиб, сиз, муҳтарам газетхонларга мурожаат қилади. Ленин юбилейини қандай кутиб олдингиз? Шу кун қандай фойдали ва сармолқил иш қилдингиз? Сиз яшаб турган шаҳарда, қишлоқда, коллективинида нима янгиликлар рўй берди? Юби-

РЕДАКЦИЯ.

ЦЕМЕНТЧИЛАР МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

Республикамиз, шу жумладан областимиздаги цемент саноати корхоналари коллективлари беш йиллик план топириқларини муддатидан ялғари бажариш, В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб соғинар билан кутиб олиш учун коммунистик мусобақани кенгайтириб, меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар.

Улар ишлаб чиқариш резервларидан унутили фойдаланиш, прогрессив технология ва илгор иш усулларини кенг қўлданлиш, янги асбоб-ускуналарни ишга тушириш тўғрисида улуг дохилининг юз йиллик тўйи шарафига олган коммунистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Шу йилнинг ўтган икки

ойи мобайлида пландагидан таъшири 13 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади.

Цементчилар юбилей йилида эришган бу муваффақиятга областимиздаги қишлоқ «юни» ишлаб чиқарувчи корхоналар коллективлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Айниқса, Бекободдаги цемент

комбинати ишчи-хизматчиларининг меҳнат зафарлари таъдир қасовдордир. Улар технологияни такомиллаштириш, цемент саноати янгиликларини кенг жорий қилиш натижасида корхонанинг лойҳадаги қувватидан ўзиб кетишди.

Оққўрғон цемент заводи коллективини юбилей йилида жуда самарали меҳнат қилмоқда. Кадрларини жой-жойига қўйиб, ишчилар ҳамда инженер-техник ходимларини малакасини ошириш, ремонт ишларини пухта ташкил этиш, айрим асбоб-ус-

куналарни янгилари билан алмаштириш тўғрисида корхона қўлақидан чинқоқда. Цементчилар январи, февраль ойида топириқдаги қўпимча 6 минг тонна қурилиш «юни» тайёрладилар. Улар март ойида ҳам тез суръатлар билан ишлашяпти.

Республикамиз цементчилари эришган зафарда Қувасой комбинати ва Ангрэн заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар улуг сана шарафига олинган соция-

листик мажбуриятларининг муддатидан ялғари бажарилишига ёрдам бердилар.

Шу кунларда республикамиздаги барча цемент саноати корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар, Совети, ЎЗСФС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда халқ хўжалигида тежамкорлик режимиини қўчатириш ҳақидаги Хатини эр қизикши билан кутиб олдилар. Шу асосда хомаш, материал-

лар, электр энергияси сарфини қамайтиришни қаратилган тадбирлар белгилашди.

Корхоналар коллективлари Ленинга меҳнат ваҳтасини давом эттиришда, юбилей йилида яна қўлаб қўпимча цемент ишлаб чиқариш юзасидан зинамаларига оширишган мажбуриятлар олишди.

Т. ТОШҒУЛАТОВ.

Ўзбекистон ССР Вилоятлик материаллари саноати министрилик цемент саноати бош бошқармасининг бошлиғи.



Дилораб Фахриддинова Оржоникидзе районидан Тимирязев номи мактабининг алоҳи учувчиларидан ҳисобланади. У ўқини билан бир вақтда Ленин номи қолхозининг телпачи хўжалигида таъмири ишлари билан шуғулланади. Суратда: Д. Фахриддинова иш устида.

А. Аббасов фотоси.

